

---

Ўзбекистон туманида яшил майдонлар ҳудуди кенгаймоқда

Ўзбекистон туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида куз мавсумидаги дараҳт экиш тадбирлари кенг қулоч ёйди.

Бугун “Шакаробод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида навбатдаги кўчат экиш акцияси ташкил этилди. Тумандаги капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик мажмуи ташкилотлари ташаббуслигида ўтказилган тадбирда туман сектор раҳбарлари, маҳалла нуронийлари ва жамоатчилиги иштирок этди.

Тадбирда туман миқёсида, хусусан, марказий ва ички кўчалар, муассасалар, маҳаллаларда дараҳт кўчатлари экиш, яшил заминлар яратиш, бунда барчанинг фаоллик ва ташаббускорлигини янада ошириш ҳақида сўз борди.

Нуроний отахонлар дуога қўл очиб юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик ва бошланган эзгу ишларга барака тилади.

Эзгу саъй-ҳаракат давомида шу куннинг ўзида тизим фаоллари томонидан беш минг тупдан зиёд терак ва манзарали дараҳт кўчатлари ўтқазилди.

2024-11-22 21:25:22